

микродрида (Энергия махсус тартибда етказиб берувчи корхоналар учун 0,2фонз) лекин муддатга ўтказиб юборилган сумманинг 50 фонзидан ортик бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

#### IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. "Истеъмолчи" куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ "Қорхона" электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш; энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

"Қорхона"га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартрилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартриш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартришдан олдин

10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплатиш;

конун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтарилишни талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тугатилганда зарарни қоплашни талаб қилиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунини бўйича юқори ташкилотга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

"Истеъмолчи" конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. "Истеъмолчи" куйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилётган электр тармоқлар, асбоблар, электр қурилмаларининг техник ҳолатини лозим даражада сақлашнинг, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишни таъминлаш, "Қорхона"га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Қорхона" ва "Ўздавэнегронзорат" инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда "Қорхона"нинг тегишли вақлига ҳисоблагичларни кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамда бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун "Қорхона"га буюртнома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эхтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқлардан узатишда, махсулот ишлаб чиқариш (ишлаб турларининг) технологик жараёни эхтиёжларига, ишлаб

чиқариш бинолари ва мамырий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган суб "Истеъмолчи" ларнинг эхтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган "Истеъмолчи":

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар

суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва "Қорхона"нинг талабига қўра хабар қилиши шарт.

"Истеъмолчи" конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлари ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Қорхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

"Истеъмолчи"дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда "Истеъмолчи" томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий ҳолатлар мавжуд бўлганда "Истеъмолчи"ни электр қурилмаларини ўчиритиш. "Истеъмолчи" томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда "Истеъмолчи"ни электр тармоқлардан ўчиритиш, шунингдек ЭНХА Га уланган ёки олдиндан тўлов қурилмасига эга ҳисоблагичи бўлган "Истеъмолчи" ларни олдиндан тўлов тугагандан сўнг ўчиритиш.

"Қорхона" конунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

"Қорхона" ушбу шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бўлган ўчиритиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

4.4. Қорхона куйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар орқали "Истеъмолчи"га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган ҳажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

қурилмаларни, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан оголхантириш;

энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида "Истеъмолчи"га маълум қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

"Истеъмолчи"нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги аризасини, "Истеъмолчи"дан ариза олинган кундан ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

"Истеъмолчи"га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

"Истеъмолчи"нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартiriшлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда "Истеъмолчи"га хабар қилиш;

"Истеъмолчи"га ўрнатилган ҳисоблагичларни алмаштиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек уларни пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия етказиб бериш.

"Қорхона" конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, "Қорхона" бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур. "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. "Қорхона":

"Истеъмолчи" энергия истеъмолнинг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия истеъмолнинг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, "Қорхона" томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;